



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 25 (11.836)

Баҳоси эркин нарҳда

Кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш — узоқ муддатли манфаатларга мосдир

Хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилий доираларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Брюсселга амалга оширган ташрифи яқунларнинг муҳокама қизғин давом этмоқда.

Франциянинг Гавр университети халқаро муносабатлар факультети профессори, сиёсатшунос Пьер Шабалнинг эътирофига кўра, Президент Ислам Каримовнинг Брюсселга ташрифи Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ва НАТО ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамда кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга жиддий туртки бериши, шубҳасиз. «Ташриф яқунлари Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш Европа Иттифоқининг узоқ муддатли манфаатларига мос келишини яна бир бор намоён этди. Зеро, бутун Ўрта Осиё минтақасининг иқтисодий ривожланиши ва барқарорлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этувчи Ўзбекистоннинг фаол иштироки ва қўллаб-қувватлашисиз Европа Иттифоқининг барча минтақавий лойиҳаларини, шу жумладан, 2007 йилда қабул қилинган «Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси»ни амалга ошириб бўлмайди», деди у.

Сиёсатшуноснинг фикрича, томонлар ўртасида савдо-иқтисодий ва энергетика ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада Европа Иттифоқининг Ўзбекистонда сармоявий лойиҳаларни амалга оширишдаги ёрдами ва

иштироки ҳамда мамлакат иқтисодиётининг муайян тармақларини модернизациялаш учун технологиялар етказиб бериш билан боғлиқ бўлган ишлар ўзаро манфаатларни инобатга олиб ва мавжуд миллий қонунчиликка риоя этган ҳолда амалга оширилиши керак. Ўзбекистонда Европа Иттифоқининг дипломатик ваколатхонасини таъсис этиш тўғрисида эришилган келишув, П.Шабалнинг таъкидлашича, икки томонлама мулоқотнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга имкон беради. У Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатларга асосланган барча йўналишларда, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасида доимо очик ва амалий мулоқот тарафдори бўлиб келганини қайд этди. Ўтган йилда қабул қилинган Ўзбекистонда жамиятнинг демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш тамойилларига риоя қилиш соҳасида улкан ишлар амалга оширилди.

«Европа Иттифоқи, ўз тарихий ролига таянган ҳолда, Ўрта Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон билан трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида тўплаган тажрибасини ўртоқлашиши мумкин. Кези келганда шуни ҳам унутмаслик лозимки, Амударё ва Сирдарё-

нинг юқори қисмида жойлашган баъзи мамлакатларнинг кўзлаётган режалари ушбу дарёлар сув ресурсларининг бир маромдаги тақсиротини таъминлашни ҳамда минтақанинг барча давлатлари аҳолисининг ҳуқуқ ва манфаатларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши керак», деди сиёсатшунос.

Афғонистон масаласи ҳақида ўз мулоҳазасини билдирар экан, П.Шабал НАТО, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов турли халқаро ва минтақавий тадбирларда қайта-қайта таъкидлаганидек, минтақавий ёндашувсиз ва қўшни давлатларнинг бевоқифлиги иштирокида ушбу мамлакатда тинчликни таъминлаб бўлмастлигини англаб етмоғи лозимлигини қайд этди. «Менинг назаримда, Афғонистон муаммосининг сиёсий ечимини минтақавий коллектив ҳавфсизликни инобатга олмасдан топиш мумкин, деб ўйлаш хато бўлади», деди П.Шабал.

Австриянинг «Бизнес, маданият ва спорт» журнали бош муҳаррири Манфред Тихи Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Брюсселга амалга оширган ташрифи Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги икки томонлама муносабатларда жуда муҳим воқеа бўлганини қайд этди. (Давоми 2-бетда)

«Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиёт йўлида янада дадил одимлайди»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси хорижий давлатларнинг Тошкентдаги дипломатик корпуслари вакиллари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Чжан Вэй Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган маърузаси юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирар экан, мамлакатнинг 2010 йилдаги асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари Ўзбекистоннинг инқироздан кейинги даврда амалга оширилган, энг аввало, аҳолининг фаровонлигини юксалтириш ва мамлакатда барқарорликни таъминлаш борасидаги иқтисодий стратегиясининг нақадар тўғри эканлиги амалда намойён бўлганини таъкидлади.

Дипломатнинг сўзларига кўра, «Ўзбекистон раҳбари томонидан белгиланган мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва уларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши иқтисодиётнинг янада юксалишига мустаҳкам асос бўлади ва келгуси тараққиёт жараёнига хизмат қилади».

Малайзиянинг Ўзбекистондаги факултета ва мухтор элчиси Азиз Хоруннинг мулоҳазаси билдиришича, «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги иқтисодий кўрсаткичлари, айникса,

мамлакат ялпи ички маҳсулотининг дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлган 8,5 фоизни ташкил этгани алоҳида эътиборга моликдир». У, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг интилиши ва сазой-ҳаракатлари туфайли 2011 йил ҳам Ўзбекистон учун яна бир муваффақиятли давр бўлишига ишончи қомиллигини таъкидлади.

Шу билан бирга, малайзиялик дипломат Буюк Британиянинг машҳур нашрларидан бири «Economist intelligence Unit» журналидаги маълумотларни келтириб, унга кўра, «Ўзбекистон яқин фурсатда 2011 йилдаги жаҳоннинг ўн та «иқтисодий йўлбарс» давлатлари қаторига киришини» қайд этди. Азиз Хоруннинг фикрича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётининг асосини ташкил қилишини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Президенти томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб аталishi малайзияликлар томонидан ниҳоятда долзарб, тўғри ва оқилона қарор сифатида баҳоланди. (Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ МАСКАН

Санъат инсонни ҳамisha эзгуликка чорлайди. Ёш авлод қалбида меҳр-муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик каби инсоний фазилатларни камол топтириш, маънавий етук инсон бўлиб вояга етишларида мусиқа ва санъат мактабларининг ўрни беқиёсдир.

Кейинги йилларда болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги барчамизга аён. Бу борада Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг мазкур қарорларига мувофиқ болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўлиқ таъмирланиб, янгича, замонавий қиёфага эга бўлмоқда, шу билан бирга замон талаблари даражасидаги мусиқа асбоб-анжомлари билан ташкил этилган мактабларда, Жумладан, 1971 йилда ташкил топган 22-болалар мусиқа ва санъат мактаби Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилида фойдаланишга топширилди.

— Замонавий бино барчамизга бир олам қувонч бахш этди, — дейди мазкур санъат мактаби директори Норкул Ризаев. — Айни кунда мактабимизда 290 нафар санъатга ихлос қўйган ёшлар таърибали устоз-мураббийлардан сабоқ олишмоқда. Ўқув хоналари, залларимиз бутунлай янги

қиёфа касб этиб, барча шарт-шароитлар яратилган. Замон талаблари даражасидаги мусиқа чолғулари — 11 та фортепиано, 2 та роля, ўзбек халқ чолғуларидан қашқар рубоби, ўйма қашқар рубоби, афғон рубоби, прима, дутор бас, дутор прима, дутор альт, анъанавий дутор, гижжак, қонун, доира, қўшна, ноғора, уд, най каби кўплаб мусиқа чолғулари ҳамда дамли ва зарбли чолғулар жамламаси билан тўлиқ таъминланди. Мактабда узоқ йиллардан бери ўз билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиб келаётган Н.Носирова, В.Баббер, А.Каграманова, М. Берман каби ўқитувчилардан ўқувчилар ва ота-оналар доимо миннатдор.

Мактаб ўқувчилари турли хил танловлар, байрам тадбирларида иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, маҳаллаларда, умумтаълим мактабларида хайрия концертиларга ўтказиш аънамага айланган.

Эртазимизнинг ишончли қалқони бўлган ёш санъат гулгунчаларига ҳамisha ойдин йўллар ҳамроҳ бўлсин. Эзгу ва хайрли мақсад сари дадил одимлари истиқбол сари етакласин.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: 22-болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятининг лавҳа.
Козим Ўлмасов олган сурат

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга бағишланган семинар ташкил этилди.

● «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тушунириш ва тарғиб қилиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● Қибрай туманида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишда микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган иқтисодий ўқув-семинар бўлиб ўтди.

● Наманган шаҳрида «Ўзбекистон-Хитой савдо уйи»нинг вилоят ваколатхонаси иш бошлади. Ваколатхонада ишбилармонлар техника ва технология янгиликлари билан танишиш, ахборотлар, маслаҳатлар олиш, тегишли мутахассислар иштирокида шартномадор тузиш ва вакилик ёрдамида Хитойдан ҳар жиҳатдан кафолатланган ускуналар келтириш имкониятига эга бўлади.

● Қарши туманилик тадбиркор Ёркин Ҳамроев ташаббуси билан Кожор қишлоғида қаровсиз бино муқаммал таъмирдан чиқарилиб, нурунийлар учун дам олиш мажмуасига айлантирилди. Бунинг учун тадбиркор ўз маблағи ҳисобидан 70 миллион сўм сарфлади.

● Қашқадарё вилояти Фузур тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 50 ўринга мўлжалланган туғруқ мажмуаси янгидан бунёд этилди. «Шўртан газ кимё» мажмуаси ҳомийлигида барпо этилган ушбу тиббиёт масканида тиббий хизматни замонавий асосда ташкил этиш борасида кўпгина имкониятлар яратилди.

● Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани маркази — Жума шаҳрида «Пастдарғом тикувчи» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. 82 миллион сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилган ушбу корхонада 40 та иш ўрни яратилиб, қисқа муддат ичида 11 миллион сўмлик болалар либослари ишлаб чиқарилди.

ЖАҲОНДА

● Мьянма парламенти ўзининг янги тарихида ilk бор президент сайловини ўтказди.

● Қозоғистонда муддатидан олдин ўтказиладиган президент сайлови 3 апрелга белгиланди.

● Сомали парламенти ўз ваколатлари муддатини яна уч йилга узайтирди.

● Кеча Ироқнинг Эр-Рамада шаҳрида террорчилар томонидан амалга оширилган учта портлаш натижасида 8 киши ҳалок бўлди, 19 та одам тан жароҳатлари олди.

● Хитойнинг Ляонинг музофотидаги беш юлдузли меҳмонхонада ёнғин юз берди. Натижада бинога жиддий зарар етди. Тезкор кўрилган чора-тадбирлар туфайли 50 нафар одам эвакуация қилинган. Қурбонлар ва жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

● Италия ҳукумати болалар озуқа маҳсулотларини пластик идишларда қадоқлашни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Боиси, пластмасса идишлар ва қутилар таркибидаги бисфенол А моддаси маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади.

● Боливияда қурилиши давом этаётган тўққиз қаватли бинонинг қулаб тушиши натижасида 18 киши ҳалок бўлди.

● Хитойда 42 миллион аҳоли истиқомат қилувчи шаҳар пайдо бўлади. Бунинг учун мамлакат маъмурлари Чжуцзян дарёси қирғоғида жойлашган 9 та йирик шаҳарни битта мегаполисга бирлаштиришни режалаштирмоқдалар. Шаҳарнинг умумий майдони 41,5 минг квадрат километрдан иборат бўлади. Олти йил давомида шаҳарларни бирлаштириш учун маъмурлар транспорт, муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмага тааллуқли 150 га яқин иншоотларни бунёд этишни кўзда тутмоқдалар.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 100-мактабда «Камолот» ЁИХ, ички ишлар ва «Маҳалла» жамғармасининг Яққасарой туман бўлимлари ҳамкорлигида «Хуқуқий давлат: моҳият ва шакл» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ЯҚҚАСАРОЙ** туман ҳокимлигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ҳамда аҳолига тез тиббий хизмат кўрсатиш тизimini такомиллаштириш, хотин-қизларнинг тиббий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан семинар ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида буюк мутафаккирлар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган рангтаъсир устаси Тимур Саъдуллаевнинг «Аждодларни хотирлаб» деб номланган шахсий кўргазмаси ташкил этилди.

НУРОНИЙЛАРНИ АРДОҚЛАБ

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашининг йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Республикамизда 9 мингдан ортиқ уруш қатнашчилари, 140 мингга яқин меҳнат фахрийлари, 29 мингга яқин ўзгалар ёрдамига муҳтож яқка-ёлғиз қариялар, 2 минг нафар 100 ва ундан юқори ёшдаги мўътабар отахон ва онахонлар истиқомат қилмоқда.

— Ўтган йили давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фахрийларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда «Ба-ркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида маблағ сарф-ланиб, Саховат ва Муруват уйларига тўлиқ давлат таъминотига олинган 8 мингдан зиёд ёлғизларга манзилли тарзда ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилаётди.

Бу табарруқ инсонларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг ҳар бири маълум бир қорхона, муассаса, ташкилот, тадбиркор ва деҳқон фермер хўжалиқларига бириктириб қўйилди. Уй-жойларини ободонлаштириш, тартибга келтириш ва бошқа зарур хизматларни бажаришда ўқувчи-талабалардан тuzилган «Фамхўрлик» ва «Мадад» гуруҳи аъзолари фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Шунингдек, йиғилишда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг ўтган йили 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовнинг маърузаси тингланди.

Инобат ЭГАМКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Бу борада республикамиз Президентининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор тарраққий эттиришга қўмаклашиш мақсадида фаолият юритаётган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шахар ва туман бўлиmlларида бугун муваффақият билан иш олиб борилиб, мингминглаб иқтидорли, истеъодли спортчи ёшлар кашф этилиб, келажақ авлоднинг жисмонан ва ақлан соғлом бўлиб вояга етишига ҳисса қўшилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Шайхонтохур туман вакили Шерзод Зияметов биз билан суҳбатда айна кунларда туманда 49 мингдан ортиқ ўғил-қизлар спортнинг ўзлари севган турлари билан шуғулланаётганлиги, уларнинг 25.951 нафарини қизлар ташкил этиши ҳақида маълумот бериб ўтди.

— Ўтган Баркамол авлод йилида 40 дан ортиқ турли спорт мусобақалари, танлов ва қизиқarli учрашувлар ташкил этилди, — дейди суҳбатдошимиз. — Тумандаги 36 та мактаб, битта мактаб-интернат, 37-ёрдамчи мактаб, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчи-ёшларнинг саломатлик гарови бўлган спорт билан мунтазам шуғулланишлари, бўш вақtlарини мазмунли ўтказишлари, айниқса, ёзги таътил кунларида оммавий тарзда спорт мусобақаларида қатнашишлари шарт-шароит яратишга интилиб келмоқдамиз. «Белтёпа» болалар спорт мажмуасида эса футбол, кураш, волейбол, теннис каби 8 та спорт тури билан мунтазам шуғулланиш учун барча имкониятлар яратилган. Ўғил-қизларга малака ва таҳрибга эга бўлган мураббий-устозлар сабоқ бериб, уларнинг иқтидор ва истеъодини юзга чиқаришга, янги-янги спорт юлдузлари, чемпионларни кашф этишга ҳисса қўшиб келмоқдалар. Спорт иншоотларимиз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шахар бўлими томонидан 36 турдаги спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланган.

Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббат сингдириш борасида шарт-шароитлар яратиш, болалар орасидан истеъодли спортчиларни аниқлаш ва улар қобилиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жамғармалар фаолиятдан

ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ



Бундан ташқари тумандаги маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини спортга жалб этиш, саломатликларини тиклаш мақсадида «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуасида сузиш бўйича гуруҳларда шуғулланишлари имтиёзли тарзда йўлланмалар берилди. 37-ёрдамчи мактаб ўқувчи-қизларига спорт кийимлари, анжомлари топширилди.

2011 йилнинг дастлабки ойини ҳам ўтказиб, иш режаларини белгилаб олдиқ. Жа-

мғарма томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида манзилли дастурга мувофиқ 113 ва 10- мактабларда спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактабгача таълим муассасалари кичикитойларидан бошлаб мактаб, касбухона коллежлари, академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юрлари талаба-ёшларининг спорт билан мунтазам шуғулланишлари, айниқса бу борада қизларни кўпроқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шоира МУХАМЕДОВА

Спорт

РИНГДА — ПРОФЕССИОНАЛ БОКСЧИЛАР

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Борис Гранаткин хитира-турнири бўлиб ўтди.



Профессионал чарм қўлқоп усталари ўртасида ўтказилган турнирда 18 ва ундан катта ёшдаги спортчилар 9 та вазн тоифасида ғалаба учун кураш олиб бордилар. Шу кун мухлислар Хусан Йўлдошев, Беҳзод Сотволдиев, Шавкат Хошимов, Рустам Турсунов, Абдумухтор Нурматов, Равшан Жабборов, Бобур Мирзаев каби етакчи боксчиларнинг маҳоратларидан баҳраманд бўлдилар. Фолибларга қимматбахо совғалар топширилди. **И.ДИЛШОДОВ** Алексей Попов олган сурат

Соғлом бўлиш аслида кишидан у қадар заҳмат талаб этмайди. Бироз эътибор, эҳтиёткорлик, ўзини ва яқинларининг соғлигига ғамхўрлик соғлом турмуш тарзига кафолат бўла олади.

Киш кунларида хаво хароратининг исиб кетиши оқибатида бир қанча вирусли касалликлар, жумладан гепатитнинг ортиб бориши кузатилади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили ер юзидан айнан шу касаллик билан 50 миллион одам касалланади. У ўткир юқумли касаллик бўлиб, жигар фаолиятининг бузилиши ва организмда умумий интоксикация аломатлари билан кечади. Гепатит вируси сув, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилганда, беморнинг сочиқлари, ўйинчоқлари ва идишларидан фойдаланганда юқади. Кўпроқ «сарик» касаллиги деб юритилувчи мазкур хасталик айниқса, болаларнинг соғлигига хавф тугдиради. Касаллик дастлаб кўнгил айниш, ҳолсизлик, иштаҳасизлик, тана хароратининг кўтарилиши, қорин қисмида жигарнинг катталashiи, ўнг қовурга остида оғриқ, тери ва шиллиқ қаватларнинг сарғайиши, терининг қичиши, сийдикнинг сарғайиши каби белгиларда кўринади.

— Вирусли гепатитлар тиббиёт фани ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари олдида турган муҳим муаммолардан биридир, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига Республика Вирусология илмий-тектириш институти директори муовини, тиббиёт фанлари доктори Хайрулла Мустафоев. — Бу касалликнинг айрим жиҳатлари ҳали етарлича ўрганилмаган, уларни даволаш усуллари ва профилактикаси ҳамон тақомиллашув босқичида. Илгари бутун ер юзидидаги тиббиётчилар вирусли гепатитнинг биригина турини билишарди. Айни пайтда унинг сарик гепатит, эпидемик гепатит, инфекция гепатит, Боткин касаллиги каби турлари аниқланган. Бугунги кунда юқори даражада сезгир аппаратлари, лаборатория усуллари ёрдамида касалликнинг гепатит А ва В дан ҳам фарқли жиҳатлари борлиги ифтиборга эришилди. Яъни касалликнинг эпидемиологияси ва клиникаси бўйича бир-биридан фарқ қиладиган икки хили, фекал-орал йўли (ифлосланган қўл) билан ва қон (зарарланган оқватлар) орқали юқадиган тури аниқланган. Шу тариха ҳозирги кунда унинг саккиз хили мавжуд. Айни вақтда институтиимизда вирусли гепатитни юртимиз ҳудудида камайитириш, ёш болаларга юқишининг олдини олиш бўйича докторлик ва номзодлик ишлари ёқланмоқда. Уларда асосан гепатит А ва С нинг таъсири, хусусиятлари ўрганилиб, муайян изланишлар бажарилмоқда. Шунингдек, мутахассисларимиз вилоятлардан келган диагностика маълумотларни Референс лабораториясида поламираз усули билан таҳлил этиб, текшириб, сўнг шифокорлар назоратига жўнатишади. Жойларда бирон фарқуллода ҳолат бўлса, уни бартараф этиш чоралари кўри-

лади. Шу билан бирга, четдан кириб келган дори-дармонларнинг сифати текширилиб, амалиётга жорий қилинади. Албатта, фарзандининг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишини ҳар бир ота-она истайди. Бунинг учун уларни турли инфекцияли касалликлардан холи этиб ўстириш нафақат, оила муҳитига

санитария-гигиена қоидалари ва меъёрларига риоя этиш борасида кўплаб вазифалар белгилади, эндиликда улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. — Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида касалликнинг олдини олишга қаратилган махсус чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди Тошкент шаҳар санитария ва эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими муdiri Фарида Холмухаммедова.

— Унга кўра жойларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Туман санитария эпидемиология назорати марказлари томонидан умумий овқатланиш, коммунал хизмат кўрсатиш, мактабгача таълим муассасалари, мактаб ва бошқа таълим объектлари доимий назорат қилинади. Хар ҳафта ичда жойлардаги ичимлик сувининг санитар-кимёвий кўрсаткичлари ва бактериологик кўрсаткичлари кузатилади. Шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи очик сув хавзалари, оқова сувлар, уни тозалаш қурилмалари махсус гуруҳлар томонидан лаборатория назоратидан ўтказилади. Амалдаги санитар меъёр қоидалари бузилишлари оз берганда дезинфекция ишлари кучайтирилади.

Ўқув ва тарбия масканларида рўйхатга олинган озиқ-овқат ва ичимлик сувларидан захарланиш холатлари тиббиёт бирлашмалари ҳамда туман халқ таълими бўлиmlлари билан биргаликда тах-

либ қилинади, бу юзасидан қатъий чоралар кўрилади. Касалликнинг болалар ичиди авж олишининг олдини олиш мақсадида вирусли гепатитнинг А турига қарши эмлаш ишлари айна пайтда жадал суръатда ташкил этилган. Ўтган йилнинг ўзида шахар миқёсида 4000 га яқин бола эмланди. Бу борада шахар ва туман ДСЭНМ мутахассислари томонидан вирусли гепатитларнинг олдини олиш мақсадида ҳудуддаги маҳалла фуқаролари, таълим муассасалари ўқувчилари, қорхона ва ташкилотлар ходимлари ўртасида санитария тарғибот ишларини мунтазам олиб бормоқда. Шунинг учун инчак инфекциялари гуруҳига кирувчи ушбу хасталик ўтган йилларга нисбатан 5,65% га камайди.

Шифокорларнинг таъкидлашича, бундай инфекцияли касалликлар билан оғриган бемор организмда вирус яшаб қолиши ва у кейинги наслга ҳам ўтиб, авлодлар соғлигига хавф тугдириши мумкин. Шунингдек, бу касалликни юктириб, сўнг даволанаб чикқан одам донорлик қила олмайди. Боиси тузалиб кетган кишидан олинган қон таркибидида вирус бошқа организмда қайта «тирилиб» яна бошқатдан «хаёт» бошлайди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бажариладиган би қанча қўлимизни қанчалик кенг бўлмасин, киши ўзини-ўзи назорат қила олиши, шахсий гигиена қоидаларига риоя этиши энг биринчи талаблардан бири бўлиб қолаверади. Қолаверса, ҳар ким меҳнат фаолиятда ўз ишига масъулият билан ёндошса, бундай касалликлар камайган бўлади. **Нарғиза АСАДОВА**

Соғлиқнинг — бойлиқнинг ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ — ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4581 нусхада босилади. Қоғоз бешми А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарк» нашриёт-матбоса акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

ОЗ = ОЗ ЎРГАНИД
ДОМО БИЧУР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

ТАБИАТ ҲАҚИДА

Беш қўл баробар эмас.

Билдим, дедим, тугулдим, Билмадим, дедим, кутулдим.

Билса ҳазил, билмаса чин.

Бир балоси бўлмаса, Шудгорда куйруқ на қилур?

Бир томчи сув чумолига дарё кўринур

Бургага аччиқ қилиб, Кўрпангни куйдирма!

Бўйнидан бойланган ит овга ярамас. Овга яраса ҳам, довга ярамас.

Бўлар иш бўлди, бўёқ хуми синди.

Бўш қоп тик турмас.

Вақт ўтгандан кейин, Қиличингни тошга чоп!

Дарахт бир жойда қўқаради.

Дарахтнинг мўртини қурт ейди.

Жўжани кузда санаиди.

Икки кеманинг бошини тутган ғарқ бўлар

Икки оёғингни бир этикка тикма!

Икки кўчорнинг боши Бир қозонда қайнамас.

ИБРАТЛИ МАҚОЛЛАР

Алп онадан туғилади, Туппор — биядан.

Амалга мағрур бўлсанг, тўздироди, Илмга машғул бўлсанг, ўздироди.

(Давоми бор)

ЎЗГИРМОМЕТ
ХАВАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 5 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. **ҲАРБАТ КЕЧАСИ** 2 даража соғуқ — 3-8 даража ил бўлади. **УЗГИРМОМЕТНИНГ МОНИТОРИ** ҳизмати маълумотига кўра 5 февраль кунини ҲАРБАТ КЕЧАСИ 0-2 даража соғуқ, кундузи — 5-7 даража илқ бўлади. **РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИ БЎЙИЧА** 5 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. **ҲАРБАТ КЕЧАСИ** 2 даража соғуқ, кундузи — 3-8 даража илқ бўлади. **УЗГИРМОМЕТНИНГ МОНИТОРИ** ҳизмати маълумотига кўра 5 февраль кунини ҲАРБАТ КЕЧАСИ 0-2 даража соғуқ, кундузи — 5-7 даража илқ бўлади. **РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИ БЎЙИЧА** 5 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади.

«Consulting Barrister» адвокатлик бюри (давлат рўйхатига 2009 йил 22 июлда 314-сон рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 2070171) тугатилди. Давволар 2 ой муддат ичиди Тошкент ша, Шайхонтохур тумани, 2-Ибн Сино мавзеси, 7«Б»-уа қабул қилинади. Тел: 476-64-36.

Тошкент шаҳар ва Юнусobod туман хотин-қизл қўмиталари туман хотин-қизлар қўмитаси раи Ёқут Юсуповна Раджабовага оғнаси **РИСОЛАТ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардл билдиради.

Тошкент Архитектура-қурилуш институти қришди академик лицей жамоаси физика кафедра ўқитувчиси, физика фанлари номзоди Абдува Абдуқодирович Исроиловага турмуш ўртоғи **Табассум ИСРОИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади